Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.) «Қизил байроқ» (1920—1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й.). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 49 (21. 168) 1992 йил 10 март, сешанба ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

ЎзХДП-социнтерн

ДЎСТОНА МУЛОҚОТ



Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган социал-демократик партиялар халқаро бирлашмаси (Социалистик Интернационал) вице-президенти Ханс-Йохен Фогель бошчилигидаги делегация аъзолари 9 март куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашига ташриф буюрдилар.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов меҳмонларга Ўзбекистоннинг бугунги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳволи хусусида, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ўз олдига қўйган мақсадларни қандай амалга ошираётганлиги, кўп партиявийлик шароитидаги парламент фаолияти тўғрисида батафсил сўзлаб берди, уларни қизиқтираётган барча саволларга жавоб берди.

Ханс-Йохен Фогель ўз навбатида Ўзбекистонга ташрифидан мақсад унинг ҳаёти билан яқиндан танишишдан иборат эканлигини таъкидлаб ўтди, Социнтерн фаолияти тўғрисида сўзлаб берди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов Ханс-Йохен Фогель бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Сўнгра германиялик меҳмонлар Моваройуннаҳр мусулмонлари диния идораси раёсатида бўлишиб, Ўзбекистон мусулмонлари ҳаёти билан қизиқдилар. Шунингдек, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятида бўлдилар. Оролни қутқариш фонди, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти, Болалар фонди ва Меҳр-шафқат фонди вакиллари билан ҳам учрашдилар.

А. РЎЗИЕВ.



СУРАТДА: Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашидаги учрашув пайти.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

СОЦИНТЕРН ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШУВ

9 март куни республика Президенти, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Раиси И. А. Каримов Халқаро социал-демократик партиялар бирлашмаси (Социнтерн) вице-президенти, ГФР бундестаги конституция комиссиясининг раиси Ханс-Йохен Фогель бошчилигидаги Социнтерн делегациясини қабул қилди. Делегация Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг таклифига биноан республикага келган. У МДҲга кирувчи бир қанча республикалар билан танишиш учун сафар қилиб юрибди.

Рўй-рост, дўстона суҳбат чоғида республика Президенти меҳмонларга Ўзбекистон мустақил деб эълон қилингандан кейин бу ерда рўй берган ўзгаришлар ҳақида гапириб берди. И. А. Каримов Х.-И. Фогелнинг республика ижтимоий-иқтисодий тараққиётига тааллуқли саволларига муфассал жавоб қайтарди.

Шу куни Социнтерн делегацияси Ўзбекистон парламентида бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев ва бир қанча комитетларнинг раислари иштирокида ўтган суҳбатда парламент алоқаларини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Журналистлар билан бўлган суҳбатда Х.-И. Фогель республика оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб қайтарди.

(ЎзА).

Суратда: дўстона мулоқот.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жамоатчиликнинг республикада маданият ва санъатни ривожлантириш муаммоларини ҳар томонлама ҳал қилиш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий тараққиётида уларнинг мавқеини ошириш, аҳолининг маданий ва эстетик талаб-эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш зарурлиги тўғрисидаги таклифларини инобатга олиб, шунингдек маданият ва кинематография тармоқларини бошқаришни такомиллаштириш, бозор муносабатлари шароитида мазкур соҳа муассасаларига раҳбарликнинг замонавий иқтисодий усулларини кенг жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг тузилмаси қайта кўриб чиқилиб, унинг марказий аппарати ҳамда унга қарашли муассасалар негизида:

Ўзбекистон Республикасининг Маданият ишлари вазирлиги;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат кинокомпанияси ташкил қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

миллий маданият соҳасида давлат сиёсатини амалда рўёбга чиқариш, халқнинг бой анъаналарини тиклаш ва янада ривожлантириш, республиканинг ижодий уюшмалари билан узвий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, давлатлараро ва халқаро маданий алоқаларни кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш;

республика аҳолисининг барча табақалари ўртасида маданий-маърифий ишларни авж олдириш ва уларни аниқ-равшан мазмун билан бойитиш, кишиларнинг маданий ва эстетик эҳтиёжларини яна ҳам тўлиқроқ қондириш, профессионал ва халқ ижодиётини, шунингдек ижтимоий ўзгаришлар ва илм-фан соҳасидаги ютуқларни кенг тарғиб қилиш;

театр, музика, хореография, эстрада, тасвирий ва халқ амалий санъатини янги босқичга кўтариш, уларнинг ғоявий-бадиий ва маънавий савиясини ошириш, Ўзбекистоннинг тарихий ва маданият обидаларини муҳофаза қилиш ишини тубдан яхшилаш;

маданият соҳаси ходимлари ва ижодкор зиёлиларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, умуминсоний қадриятларни, инсонпарварлик ва ахлоқийликни қарор топтириш лозим бўлган кадрлар тайёрлаш жараёнини яхшилаш, одамларни ўзининг умумтаълим ва маданий савиясини оширишга, миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд бўлишга интилиш руҳида тарбиялаш;

мазкур идораларга қарашли маданият муассасаларини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва уларга раҳбарлик қилишни яхшилаш, уларнинг ташаббускорлигини, мустақиллиги ҳамда иқтисодий рағбатлантирилишини авж олдириш, бозор муносабатлари шароитида маданият ва санъатнинг тижорат соҳасига айланиб қолишига барҳам бериш юзасидан амалий чораларни кўриш, театрлар, клублар, музейлар, кутубхоналар, студиялар ва истироҳат боғларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпаниясининг зиммасига қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш юклансин:

қайси тасарруфда бўлишидан қатъи назар, республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган кино ва видеофильмлар ишлаб чиқарувчи, намойиш этувчи ва тарқатувчи ташкилотларга раҳбарлик қилиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, репертуарининг ғоявий-бадиий савиясини назорат қилиш;

кино санъатининг миллатлараро алоқаларни ривожлантириш, узоқ муддатли қўшма халқаро ижодий дастурларни тузиш, халқаро ва минтақа кинофестивалларини, кино ва видео бозорларини ташкил қилиш, фильмларни биргаликда яратиш ишларини мувофиқлаштириш;

республика кино тармоғи корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларининг ташкилий тузилмаси ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятини янада такомиллаштиришга доир меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш учун таклифлар тайёрлаш.

Шу нарса белгилаб қўйилсинки:

республика ҳудудида иш олиб борадиган кино ҳамда видеофильмлар ижодий-ишлаб чиқариш студиялари, кино ва видеофильмларни намойиш қилувчи, тарқатувчи бирлашмалар ва пунктлар қайси тасарруфда эканлигидан, шунингдек мулкчилик шаклидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг Давлат кинокомпаниясида шартнома асосида рўйхатдан ўтишга мажбурдирлар;

белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган ташкилотлар ва фуқароларнинг республика ҳудудида кино ва видеомаҳсулот ишлаб чиқаришлари ҳамда тарқатишларига йўл қўйилмайди.

4.. Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг тузилмаси ва фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида;

Давлат кинокомпаниясининг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида қарорлар тайёрлаб, мазкур кинокомпаниянинг тузилмаси ва низомини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ЖОРЖ БУШ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Сиз Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги музокараларнинг натижаларига юксак баҳо берганлигингизни чуқур мамнуният туйғуси билан қутиб олдим. Давлат котиби Бейкернинг Тошкентга қилган ташрифи, бўлиб ўтган суҳбатлар мамлакатларимиз ўртасида бевосита мулоқот ўрнатишдан иккала томон манфаатдор эканлигини кўрсатди.

Яқинда мен тарихий аҳамиятга молик ҳужжатлар — Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Хельсинки Кенгашининг Якунловчи актини ва Париж хартиясини республика, унинг халқи номидан имзолаш шарафига муяссар бўлдим. Шу тариқа Ўзбекистон Хельсинки жараёнининг тенг ҳуқуқли қатнашчиси деб тан олинди.

Биз мана шу юксак вазифани бажариш билан боғлиқ ўз зиммамизга олган мажбуриятларнинг аҳамиятини яхши англаймиз ва улар амалда қатъий бажарилишини таъминлаш масаласига ғоят жиддий ёндашамиз. Кейинги вақтларда республикада, шундай қонунлар қабул қилинди ва ишлаб чиқилмоқдаки, уларни изчиллик билан турмушга татбиқ этиш жамиятимизнинг демократик асосларини мустаҳкамлашни кафолатлайди ҳамда ҳар бир кишининг эркинлиги ва ҳуқуқини, жумладан, мулкка эгалик, меҳнат қилиш ҳуқуқини, эркин мухожирлик ҳуқуқини, матбуот эркинлигини, озчиликдан иборат миллатларнинг ҳуқуқларини, дин эркинлиги ҳамда бошқа эркинлик ва ҳуқуқларни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати минтақада ва бутун дунёда хавфсизлик муаммоларига алоҳида аҳамият беради. Биз БМТга йўллаган мактубда ядросиз давлат сифатида Ўзбекистоннинг ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшилиши тўғрисидаги масала қўйилган. Биз ишонч ва хавфсизлик чораларига бағишланган Вена музокараларида фаол қатнашиш ниятидамиз, ялпи қирғин қуролини ишлаб чиқариш ва тарқатишдан, уни яратиш технологияси ва воситаларидан воз кечиш учун ҳаракат қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий ворислардан бири сифатида ўзининг мустақил ташқи сиёсий йўлини ўтказа бориб, собиқ СССРнинг шартномалари ва мажбуриятларини бажаришга тайёр эканлигини бир неча марта тасдиқлади ва мен мана шу позициянинг ўзгармас эканлигини сизга маълум қилиш шарафига муяссарман.

Давлатларимиз ўртасидаги муносабатларга келганда, биз ўзаро ҳурмат ва иккала томон манфаатдорлиги, тенглик ва ички ишларга аралашмаслик қоидалари асосида сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий, техникавий, инсонпарварлик соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш муддаосида эканлигимизни яна бир бор тасдиқлаймиз.

Давлатларимиз ўртасида тўла дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисида сизнинг таклифингизни табриклайман ва қўллаб-қувватлайман. Ишончим комилки, бундай тадбир иккала мамлакат халқларининг манфаатларига мос келади ҳамда халқаро ҳамкорлик ва ялпи тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Ҳурмат-эҳтиром билан Ислом КАРИМОВ.

САМИМИЙ ТАШАККУР

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИ УҒЛИ КАРИМОВГА

Ассалому алайкум.

Ҳурматли раисулжумҳур жаноблари!

Тошкент шаҳрида ўз ишини тамомлаган Моваройуннаҳр мусулмонларининг бешинчи қурултойи иштирокчиларига йўллаган сермазмун табригингиз учун самимий ташаккуримизни қабул этгайсиз.

Мазкур қурултой ўлкамиз тарихидаги муҳим бир вақтда бўлиб ўтди ва халқимиз учун энг зарур масалаларни муҳокама қилиб, муҳим қарорларни қабул қилди.

Узоқ давом этган динсизлик ва диндорларни камситиш сиёсатидан сўнг, жумҳуриятимиз истиқлолга эришганидан сўнг, ўзларини озод сезган мусулмон уламолар ҳозирги кунимизнинг долзарб масалаларини оқилона ҳал этишда барча хайрихоҳ тарафлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини изҳор этдилар.

Қурултой қатнашчилари, Сиз ўз табригингизда эслатиб ўтганингиздек, орамизда осойишталикни бузишга интилаётган қора кучлар борлигини ва уларга зарба беришга тайёр туриш лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Асли ислом юрти бўлмиш диёримизда кишиларнинг динга қайтиши катта ижобий ўзгаришларга сабаб бўлаётгани ҳаммага аён бўлмоқда. Биз, имом Бухорий, имоми Термизий ва бошқа улкан уламоларнинг ворислари, юртимизни худди бободларимиз давридагидек дунёда пешқадам юрт бўлиши учун ҳаракат қилишимиз зарур. Халқимиз эса жаҳон халқларининг биринчи сафидан ўрин олмоғлари керак деб биламиз.

Қурултой қатнашчилари охирги пайтда диний ҳаётимизда содир бўлган ижобий ўзгаришларни алоҳида мамнуният билан зикр қилдилар ва ушбу ишларда ёрдам берган барча тарафларга, хусусан Сиз жанобларига ўзларининг самимий ташаккурларини билдирдилар. Шу билан бирга яна қилинадиган ишларимиз кўп, олдимизда улкан муаммолар турибди, уларни ҳам ҳал этишда, албатта ҳукумат раҳбарларининг ҳам хайрихоҳликлари даркор. Ишончимиз комилки, Сиз бу ишда раисулжумҳур сифатида ўзингизнинг салмоқли ҳиссангизни қўшасиз.

Сизга Ўзбекистон Жумҳурияти мустақиллиги йўлида, халқимиз бахт-саодати йўлида олиб бораётган сермашаққат ишингизда оллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин. Омин.

МОВАРОУННАҲР МУСУЛМОНЛАРИНИНГ V ҚУРУЛТОЙИ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДА ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА КОМИТЕТ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосланиб, фуқароларнинг дин эркинлиги ва диний эҳтиёжларини ҳурмат қилиб, шунингдек диний ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва узвий ҳамкорликни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида дин ишлари бўйича комитет ташкил қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, комитет ўз фаолиятини «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа тегишли қонун ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилган ҳолда олиб боради.

3. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича комитет зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилиш юклансин:

— давлат органларининг республика ҳудудида жойлашган диний ташкилотлар билан баҳамжиҳат ҳаракати ва ҳамкорлигини ўрнатиш;

— диний масалаларни ҳал қилишда вилоятлар, шаҳарлар ва районларнинг ҳокимлари билан биргаликда ягона сиёсатни ўтказиш;

— қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган республикадаги диний ташкилотларнинг манфаатларини давлат сиёсатида ифода этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонга асосланиб бир ҳафта муддат ичида дин ишлари бўйича комитет тўғрисидаги тегишли қарорни қабул қилсин ва унинг низомини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 7 март.

«АССАЛОМ, НАВРЎЗ»

АНЪАНАВИЙ ТЕЛЕМАРАФОН

Шу йил 21 март куни бир кеча-кундуз давомида «Зангори экран» орқали бериладиган навбатдаги телемарафон халқимизнинг қадимий байрами Наврўзга бағишланади. Наврўз «Мустақиллик, тинчлик, меҳр-шафқат» шиори остида ўтказилади. Унда миллий урф-одатларимиз тараннум этилади, тўй ва маросимларимиз намойиш қилинади. Санъаткорлар, аскиячилар, қизиқчилар, халқ амалий санъати усталари, ҳунармандлар ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Руҳонийлар мусулмон ақидалари ҳақида маъруза қиладилар, кечки оғиз очиш — ифторлик ўтказадилар. Оналаримиз эса сумалак қиладилар. Шу куни мозорлар ва муқаддас жойлар зиёрат қилиниб, ўтган аждодлар руҳига тиловат қилинади. Қексалар, бетоблар, ногиронлар, етимларнинг кўнгли сўралади. 14 март куни ўтказиладиган жумҳурият умумхалқ хайрия ҳашари ҳам савоб ишларимизнинг муқаддимасидир.

Жамиятимиз оғир дамларни бошдан кечиряпти. Маънавий қадриятларимиз тикланишга, минглаб хаста диллар сизнинг меҳр-шафқатингизга, ёрдамингизга мунтазир.

«Наврўз» телемарафонининг мақсадларидан бири — хайрия маблағи тўплашдир. Хайриядан тушган маблағлар жумҳурият болалар жамғармаси, ногиронлар жамияти, Қизил Ярим ой жамияти, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармалари орқали бева-бечораларга, ногиронларга, беморларга ва ёрдамга муҳтож кишиларимизга сизнинг меҳрингиз сифатида инъом этилади.

Хайрия миқдори:

«Наврўз» олди умумхалқ хайрия ҳашари ва телемарафонининг ҳисоби:

005700007, Тошкент,
Саноат-қурилиш банкининг Меҳнат бўлими.
Код: 172682315

Ташкилотнинг тўлиқ номи, банкдаги жорий ҳисоби;

Пул ўтказиш ва кафолат ҳужжатлари рақами;

Ташкилот раҳбари

Имзо. (муҳр).

• ХДП: СИЁСИЙ ЎҚИШЛАР

III. Сиёсий партиялар парламентдан ташқарида

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР: УЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ФАОЛИЯТ ВОСИТАСИ

Партия бир қанча сабабларга кўра, парламентдан ташқарида туриши мумкин. Масалан, таркибининг кам сонлиги учун. Бунга янгидан тузилган партиялар ҳам, ўз ғояси ёки раҳбарига ўта берилган, бироқ кенг халқ оммасидан ажралиб қолган кишилардан иборат тўда типидаги партиялар ҳам киради. Сиёсий тўдаларнинг парламентдан жой ололмаслиги аниқ. Аммо тарихда шундай мисоллар борки, таркибан кичик сонли партиялар оммани ўз ортларидан эргаштириш учун моҳирлик билан иш олиб бориш туфайли давлат юмушларига таъсир кўрсатишга муваффақ бўлганлар. Партиянинг ўз тарафдорларини фронт (бирлашма) типидаги ташкилотга ёки ҳаракатга жипслаштириш яхшигина самаралар беради. Жазоирда Ислом нажот фронти ана шундай йўл билан обрў-эътибор топиб, 1991 йил декабрида парламентга ўтказилган сайловларнинг биринчи даврасида ўринларнинг ярмидан кўпини эгаллади. Ўзларини партиялар деб атовчи тор ислом тўдалари камбағал, қашшоқ меҳнаткаш мусулмонларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга даҳлдор шиорларни қурол қилиб, мамлакатни ғарблаштиришга қарши чиқдилар.

Партия ўзининг сайлов кампаниясини ташкилий жиҳатдан суст таъминлагани учун ҳам парламентдан ташқарида қолади. Одатда бу нарса кўпинча сайловларни партиянинг рўйхати бўйича ўтказиш чоғида рўй беради. Бундай ҳолда ҳар бир муайян сайлов округи бўйича номзодлар командасини танлаш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ана шунда улар, гарчи сайловчилар гуруҳлари қарашлари бўйича бир-бирларидан фарқ қилсаларда, барибир, ҳаммалари қўшилиб, ўз яқинларининг жиддий талабларини ҳам қондира оладилар. Кенг халқ оммасидан ажралиб қолган сектант партиялар (сўллар ёки ўта ўнглар)нинг ҳам, сиёсий ҳаётда энди унгина дунёга келаётган янги партияларнинг, барибир, бундай натижага эришишлари амри маҳол.

Маълумки, партия қонуний асосда парламент сайловларида қатнашишдан четлаштирилиши мумкин. Кўпгина давлатларнинг қонунларида ирқчилик, фашистик, янги фашистик ва шунга ўхшаш мафкурани танлаган партиялар фаолияти таъқиқланган. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши арафасидаги йилларда ҳамда «совуқ уруш» даврида бир қанча мамлакатларда марксистик йўналишдаги коммунистик ва ишчи партиялари таъқиқланган эди. Ҳозир ҳам парламент сайловларида коммунистик ва социалистик партияларнинг қатнашишини чеклаб қўйган давлатлар бор. Одатда, мамлакатда танглик вужудга келганда ва меҳнаткашларнинг ўз ижтимоий ҳуқуқлари учун курашлари кучайганда таъқиқлаш бошланади. Аксинча, 1991 йилда Туркияда жамиятни янада демократиялаш борасида олға қараб катта қадам ташланди, узоқ йиллардан сўнг сўл партиялар фаолиятини чеклашга қаратилган қаттиқ чоралар бекор қилинди.

Ҳуқуқий маданият шаклланаётган мамлакатларда айрим партиялар у ёки бу сабабларга кўра (бу сабаблар сиёсий сусда бўлмаса ҳам), қонунда белгиланган талабларни, масалан, партияларни рўйхатга олишни, сайловда қатнашиш ва бошқа хил фаолиятни тартибга солувчи талабларни бузмоқдалар. Ўзбекистонда ҳам шундай бўлган. Партиянинг рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги илтимоси инобатга олинмаса, у ҳолда партия асосий ҳуқуқлардан энг кераклиси, сайлов кампаниясида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Шунингдек, партиянинг жамиятда фуқаролик бурчларини бажариши ҳам қийинлашади.

Собиқ Иттифоқ давлатларида янги партияларнинг давлатлар ҳамдўстлигидаги бошқа давлатларда президент сайловлари арафасида кўпгина партиялар кураш майдонига чиқди. Парламент сайловлари бундан икки йил олдин ўтказилганлиги учун ҳозир уларнинг вакиллари парламентда йўқ. Парламентга сайловлар арафасида баъзи партиялар ҳали бунёдга келмаган ҳам эди. Ўзбекистонда бу гап Олий Кенгашда вакиллари бўлган иккала сиёсий партияга тааллуқлидир. Шубҳасиз, депутатлар қайси партияга мансуб эканликларини ўзлари белгилайдилар. Шунга қарамай, ҳозир юзага келган вазиятда навбатдаги сайловлар партиявий рўйхатлар асосида ўтади, дейишимизга ҳар томонлама асос бор.

Парламентда вакиллари бўлган партиялар давлат тартиб-қоидалари билан узвий боғланганлар ва жамият олдида ўзларини жавобгар ҳис қиладилар. Парламентда иш олиб бормайдиган оппозициянинг, айниқса, рўйхатдан ўтмаган партияларнинг бундай масъулияти йўқ. Тўғри, қонун олдида ҳамма партиялар ва барча фуқаролар тенг ҳуқуқлидирлар. Ўзларининг сиёсий мақсадлари ва қарашларини олижаноб ва фойдали деб қанчалик оқлашга уринмасинлар, барибир, ҳеч кимнинг қонунларни бузишга ҳаққи йўқ.

Давлат ва ишлаб турган парламент барча партиялар ва партиясизларга қонуний асосларда сайловларда қатнашиш учун тенг сиёсий имкониятларни яратиб бериши керак.

Парламентда вакиллари бўлмаган оппозициянинг жамиятдаги аҳвол учун масъулияти кўп жиҳатдан жамиятда сайловчиларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онглилигига боғлиқ. Бундай партияларнинг раҳбарлари, энг аввало, ўзлари ва ўз яқинлари учун парламентдан жой олиш зифасини қўядилар, Сиёсий кураш мантиқи ана шундай. Бироқ, айримларнинг қонун чиқарувчи олий орган таркибини янгилаш учун керакли қонуний муддатни кутишга тоқатлари етмайди. Шунда жамиятда вазиятни кескинлаштиришга, танглик ҳолатида парламентни фуқаролар ишончидан маҳрум қилишга, давлатда ишларнинг аҳволига таъсир ўтказишга уриниш бошланади. Натижада парламент ўз-ўзини тарқатиб юбориши мумкин ёки уни тарқатиб юборишга ҳақидаги масала кўндаланг бўлади. Ҳар қандай шароитда қонун чиқарувчи олий орган ваколатини муддатидан барвақт тугатиш ҳам ҳуқуқий жиҳатдан, ҳам бошқа жиҳатдан обдон асосланиши керак. Парламентдаги кўпчилик овозга эга партиялар билан парламентда иш олиб бормайдиган оппозиция ўртасидаги тўқнашувни бартараф этишда Президент ҳал этувчи аҳамият касб этади.

Фуқаролар норозилигидан фойдаланувчи, бироқ парламентда етарли ўринга эга бўлмаган парламент оппозицияси нопарламент оппозицияси билан иттифоқ тузиши ва шу йўл билан дастак вазифасини ўташи мумкин. Украинада парламент ва нопарламент (партиявий ва нопартиявий) оппозицияларининг жуда кучли таъсири остида Олий Кенгашнинг давлат ва сиёсий ишлари йўналиши тубдан ўзгарди. Олий Кенгаш таркиби амалда илгаригидек қолган бўлса-да, раёттан бозор иқтисодиётининг қийинчиликлари фуқароларнинг асосий оммаси орасида кескинликни ошириши мумкин. Одамлар норозилигидан фойдаланадиганлар айбдорларни қидиришга киришадилар. Энг аввало, Президент ва у таянадиган кўпчилик депутатларнинг фаолияти танқидий баҳоланади. Бундан ташқари Президент позициясини заифлаштириш учун унинг муҳолифлари турли йўлларни излашади. Шулардан асосийси — Президент билан уни қўллаб-қувватловчи ХДПни ажратиб ташлаш, агар бунинг уддасидан чиқилмаса, нифоқ солишга уринишдир. Усуллар ҳар хил ва ҳозирги кундаги воқеалар бундай ҳаракат бошлаб юборилганлигидан далолат беради. Президент қулоғига, партия заиф, суст ишлаяпти, сайловлар пайтида унга керакли ёрдамни беролмади, деб шивирлашмоқда. Партия фаолларига эса, Президент сайланиб олганидан сўнг, партиядан юзини ўгирди, эндиликда унга партия керак эмас, деган гапларни зўр бериб уқтирмоқдалар. Кўрдингизми, дейишаяпти улар, Президент халқ олдида чиқиб сўзлаётган нутқларида ўз партиясини тилга олмай қўйди. Бунинг тагида бир гап бор ва ҳоказо.

Бундай уринишларни эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Уларнинг оқибати яхшиликка олиб бормаслиги мумкин. Бундан фақат ўзгалар кўли билан сувни лойқалатиб, балиқ тутишга ўрганганлар фойда кўрадилар.

Халқ ноибларини ва умуман парламентни танқид қилиш кучаяди, деб таҳмин қилиш ҳам мумкин. Депутатларга ишончнинг камайиши Президентга бўлган ишончнинг сусайишига олиб келади. Бундай сиёсий қарама-қаршиликда яна оппозициячи кучлар ютиб чиқиши мумкин. Чунки, уларнинг ҳозирги ўтиш даврида парламент қабул қилишга мажбур бўлган, ҳаммага ҳам ёқиб тушавермайдиган қонунларга ҳеч қандай алоқалари йўқда. Бунда парламентда иш олиб бормайдиган оппозициянинг серғайрат қисми жонбозлик кўрсатади.

Шарқий Европадаги собиқ социалистик мамлакатларнинг кўпида воқеалар айнан шундай андозада тайёрланди. Аммо бу давлатлар ўтмишда муайян даражада демократик анъаналарга эга бўлганлигини унутмаслик лозим. Уларнинг баъзиларида, масалан, Руминияда демократия тажрибасидан хулоса чиқариб, жавобгарликни ҳис қилмасликлари туфайли сиёсий манзара қон тўкиш билан булғанди.

Ўйлаймизки, Ўзбекистон шароитида давлатчилигимиз тикланаётган, халқнинг туб манфаатларидан ва унинг истиқболидан келиб чиққан ҳолда жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш имкониятлари қидирилаётган бир пайтда барча сиёсий партия ва ҳаракатлар ўзаро даъволари ва гина-кудуратларини ҳеч бўлмаганда мустақиллик оёққа туриб олаётган даврда бир чеккага йиғиштириб қўйсалар яхши бўларди. Ахир, ҳамманинг пировард мақсади битта-ку! Гап фақат тактик тафовутлар ҳақида кетиши мумкин. Ички сиёсий кураш бизларни чинакам кучли, суверен Ўзбекистонни қуриш вазифасидан истаймизми, истамаймизми, узоқлаштиради.

Ўзимизнинг сиёсий нафсониятимиз ва даъволаримиздан юқори туришга эришиш керак. Республика халқининг фаровонлиги, хотиржамлиги ва хавфсизлиги ХДП, «Эрк», «Бирлик» ва бошқаларнинг дастурларидаги энг асосий мақсад ва вазифадир. Халқ олдидаги олий масъулият сиёсий кучларнинг амалий фаолиятига баҳо беришнинг асосий мезонидир.

Ш. ШОИСЛОМОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг парламент ишлари ва партияларо алоқалар бўлими мудири.

• ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

УРГАНЧ («Ўзбекистон овози» мухбири). Ўзбекистон ХДП Урганч шаҳар кенгаши меҳнат ва Улуғ Ватан урушн фахрийларини эъзозлашга катта эътибор бермоқда. Улар билан тез-тез учрашувлар, ўзаро мулоқотлар ўтказилмоқда. Уқув юртлари, мактаблар, корхоналар ва маҳалла қўмиталарида эса савол-жавоб соатлари бўлаяпти.

Кекса партия аъзолари ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳам шаҳар кенгашининг доимий диққат марказида бўлаяпти. ХДПнинг кам даромадли кекса аъзоларига газ, электр энергияси, сув ҳамда квартира ҳақи учун 50 сўм миқдорида ёрдам пули билан мурувват қилинмоқда. Бу борада кенгашга унинг қошида ташкил этилган учта ёрдамчи корхона моддий ёрдам кўрсатаётир.

ТАЖРИБА ЎРГАНИШДИ

Яқинда Хива шаҳрида ХДП Хоразм вилоят кенгаши масъул ходимлари, район партия кенгашлари котибларининг кенгаш-семинари бўлиб ўтди. Кенгаш-семинарни вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ғ. Машарипов очди.

ХДП Хива район кенгашининг биринчи котиби М. Бекжонов район партия ташкилоти олиб бораётган ишлар ҳақида батафсил гапириб берди. Кенгаш-семинар қатнашчилари ўзаро фикр алмашдилар. Саволлар ва жавоблар бўлди. Семинар қатнашчилари шаҳардаги сопол заводи, гилам ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Янги ҳаёт» маҳалласи бошланғич партия ташкилотлари ҳамда Огаҳий номли жамоа хўжалигининг участка цех партия ташкилоти ишлари билан ҳам танишдилар.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• МУСТАҚИЛЛИК ИШЧАНЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

БАРҚАРОРЛИК ШАРТИ

Бозор иқтисодиёти халқ хўжалигининг барча соҳаларида, жумладан қурилишда ҳам янгича хўжалик юритишни, муаммоларни тадбиркорлик билан ҳал қилишни тақозо этмоқда. Аммо, бинокорлик тармоқларида бу борадаги силжиш жадаллик билан бораяпти, дейиш қийин.

Бироқ янгиликка чанқоқлик, интилиш, қолаверса, зиммадаги масъулият қурувчиларни шу кун талаби асосида меҳнат қилишга ундамоқда. Бинобарин, озми-кўпми тармоқда ўзгариш юз беряпти. Буни биргина бизнинг 2-агроқурилиш трести мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон қишлоқ қурилиши жумҳурият бирлашмасига қарашли трестимиз Қашқадарё вилояти аҳолисига бунёдкорлик ишларида ёрдам беришга даъват этилган. Ўтган йили зиммамиздаги бу вазифани анчагина яхши уддаладик. Бошпудрат бўйича қарийб 37 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Дейлик, Деҳқонобод ва Ульянов районларида ҳар бири 834 ўқувчига мўлжалланган иккита мактаб, Китоб районидаги Навоий номли давлат хўжалигида эса 844 ўринли мактаб, Қарши райони марказида 280 ўринли болалар боғчасини қуриб, фойдаланишга топширдик. Сирасини айтганда, бу муваффақиятлар ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Қурувчиларнинг барқарор ишлаши ҳамда таъминотнинг яхши йўлга қўйилганлиги туфайлигина ижобий кўрсаткичларга эришилди.

1991 йил давомида трест бошқарув маъмурияти ва жамоаларидаги муҳандис-ходимлар таркиби анча ихчамлаштирилди. Трестга Россиянинг кўпгина шаҳарлари билан ўзаро товарлар айирбошлаш йўли билан 8600 куб метр ёғоч, 3 минг тонна цемент, 850 тонна темир-бетон учун сим, 1000 тонна кўмир, шифер, бинокорлик бўёқлари ва бошқа кўпгина қурилиш материаллари олиб келинди. Шунингдек, нархнавонинг ошиши туфайли ишчи ва ходимларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадида уларга арзонлаштирилган нархда 1000 тонна кўмир, 2 минг куб метр ёғоч, 5 минг дона шифер, 1650 тонна цемент сотилди.

Жумҳурият ва унинг ташқарисидан товар алмашув асосида қурувчилар эҳтиёжини қисман бўлса-да қондириш учун 650 минг сўмлик саноат моллари ҳамда 1 миллион 320 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилинди. Бу борада ўтган йилнинг ўзидаёқ қурувчиларимизга тушган овқатни арзонлаштириш учун ҳар бир кишига бир ярим сўмлик пул тўланган бўлса, бу йил 5 сўмдан товон пули берилаяпти. Иш ҳақи ҳам ўтган йилга нисбатан икки баравар оширилди.

Жорий йилда бинокорларимиз бир қатор йирик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишни кўзда тутишмоқда. Лекин бозор иқтисодиётига ўтишда жумҳуриятимиздаги кўпгина корхоналар, қурилиш ташкилотлари сингари бизда ҳам жиддий қийинчиликлар юз беряпти. Айниқса, қурилиш материалларининг кўзда тутилгандан ҳам анча қиммат, нархининг ўн баравар ва ундан ортиқ ошиб кетиши, буюртмачи ташкилотлар томонидан қурилиш учун ажратилган маблағлар етишмаётганлиги оқибатида қурилиш ишлари суст лашаяпти. Нархдан чўчиган давлат ва жамоа хўжаликлари, корхоналар ҳам шартномаларини қайтариб олмоқдалар. Ана шундай қийин шароитда трест мавжуд ички имкониятлардан фойдаланиб, барча ишчи кучини сақлаб қолган ҳолда маҳаллий ресурсларни ишга соляпти, тадбиркорлик намуналарини кўрсатмоқда.

Аслини олганда бу йилги режаларимиз ўтган йилгига нисбатан қарийб икки баравар кўп. Трест 1992 йилда 60 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини уддалаши керак. Ушбу режага мувофиқ 18 минг квадрат метр турар-жой бинолари, 5601 ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 300 ўринли боғча, 215 ўринли шифохона ва халқимиз учун керак бўлган кўпгина маданий-маиший, саноат корхоналарига тегишли иншоотларини қуриб фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Очиғи, қурувчилар учун буюртмалар кўп. Бироқ уларнинг ҳар бирини уддалаш учун таъминотдаги шароитлар етарли эмас. Шунга қарамасдан биз қишлоқ аҳли фаровонлигига қаратилган муҳим буюртмаларни биринчи навбатда бажаришга қаракат қиляпмиз. Бу борада бизга халқ сайлаб қўйган ноиблар ҳам ёрдам беришяпти. Жумладан, бу йил Қамаши районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида республика халқ депутатининг ташаббуси ва накази билан 60 ўринли замонавий шифохона ва кундузи даволаш муассаси барпо этилади.

Энди таъминот масаласига келсак, жумҳурият мустақил бўлгандан буён таъминотни ўзимиз тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиб, ҳал қилишга интиляпмиз. Албатта, бу соҳадаги қийинчиликларни бартараф этиш учун ички имкониятлардан ҳам етарлича фойдаланамиз. 1992 йилнинг ўзида Шаҳрисабз ва Қарши районларида ҳар бири 25 миллион донадан пишиқ ғишт тайёрловчи заводлар, Қарши шаҳрида темир-бетон заводининг биринчи навбати ишга туширилади.

Яқинда Қамаши районида 10 минг квадрат метр эшик ишлаб чиқарувчи кичик корхона ташкил этилди. Трестнинг таъминот идораси қошида эса қурувчилар учун махсус кийимлар ва иш қуроллари тайёрловчи алоҳида кичик корхона дастлабки маҳсулотларини бера бошлади.

Қурилиш-монтаж ишида бинокорлик материалларини тежаш ва қурилиш сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бериляпти. Айниқса, таъминотда тақчиллик бўлган ҳозирги кунда маҳаллий бинокорлик материалларидан фойдаланиш барқарор йўлашда қўл келмоқда. Бу соҳада тегишли лойиҳалаш институтлари билан ҳамкорлик қилиняпти. Яқин вақт ичида бу лойиҳалар амалга ошса, трестимиз асосий қурилиш материалларини четдан ташиб келтирмасдан, маҳаллий тайёр хом ашёдан ўзини ўзи таъмин этиш имкониятига эга бўлади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишим керак: бугунги кунда қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартириш учун лойиҳалаштириш ишларини янада такомиллаштириш, миллий шароитларга мос шарқона бинокорлик услубларини қўллаш, қолаверса, бу ишни замонавий меъморчилик намуналари билан уйғунлаштириш лозим. Бу хайрли ишга лойиҳачилар, меъморлар эътиборни қаратсалар, биз, қурувчилар улар тайёрлаган нафис лойиҳалар асосида халқимиз эҳтиёжи учун зарур бўлган биноларни барпо этсак, айни муддао бўлур эди.

Х. ТОЖИЕВ,
Қашқадарё вилоятидаги 2-қишлоқ қурилиши трести бошқарувчиси.

• *Ҳаракатда—баракат*

ЙЎЛСОЗЛАР НИЯТИ

Бундан икки йил бурун нобликка номзодлар кўрсатилаётган пайтда қўшработликларнинг аксарияти «Қайси бир номзод бизга йўл қуриб берса, овозимизни ўшанга берамиз», — дейишганди.

Район йўл қурилиш ва таъмирлаш идораси бошлиғи Раҳмон ака Қурбонов билан суҳбатлашарканман, ўша воқеа беихтиёр хаёлимдан ўтди. Шунда, улар учун йўлнинг аҳамияти нечоғлик муҳим эканлигини яна бир бор ҳис қилдим. Шу боис, Раҳмон акадан бу ташкилотнинг амалга оширган хайрли тадбирлари ва йўлсозлар олдида турган муаммолар хусусида батафсилроқ сўзлашини сўрадим.

— Идорамиз 1980 йили Қўшработ райони қайта ташкил топгандан кейин вужудга келганди, — деди у. — Ўшандаёқ ишни район ҳудудидаги мавжуд 165 километрлик ички йўлларга хизмат кўрсатишдан бошлагандик. Ҳозиргача анча ишлар қилдик. Ўтган йили йўлсозларимиз 800 минг сўмлик атрофида қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажарди.

Масалан, Эргаш Жуманбулбул ўғли номли давлат хўжалигига қарашли 14 километрлик «Боғожот — Тоз» ва 24 километр узунликдаги «Тўра —Жомбулоқ» қишлоқлари йўлининг чораги қисми асфальтлаштирилиб, қолган қисмига шағал тўкилди.

Қўшни Очил Қодиров номли давлат хўжалигининг «Қоратош—Тевадоқ» қишлоқлари орасидаги 7 километрлик йўлда ҳам тупроқ ва қум тўкиш юмушлари тугалланди. Район марказидаги кўчаларни ободонлаштириш мақсадида 6 километрлик масофадаги жойга асфальт ётқизилди. «Қўшработ» давлат хўжалигига қарашли 7 километр узунликдаги «Ҳасанбобо — Тўқмон» қишлоқлари йўлини асфальтлаш ишлари бошлаб юборилди.

Кувончлиси, йўлсозлар кундалик иш ташвиши билан бўлиб, нарх-наво ошган шароитда ўзларини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини ҳам унутиб қўйишаётгани йўқ. Аксинча, ҳамжиҳатлик билан тегишли чоралар кўришяпти.

Очиғи, ташкилот бу масалада 40 гектарлик ёрдамчи хўжалигига суянади. Ўтган йили бу ерда буғдой етиштирилгани айни муддао бўлди. Ахир, буғдой — нон, нон эса... эртанги кунга ишонч. Бултургн ҳосилдан ҳар бир ишчи оиласидаги аъзолар сонига қараб тенг буғдой тақсимланиб, тарқатилди. Қарангки, килоси атиги 33 тийиндан тушди. Қиш арафаси ишчиларга ўртача 1—1,5 тоннадан кўмир берилди. Бажарилган иш натижаси ва сифатига қараб моддий рағбатлантириш йўлга қўйилди. Ҳозирги қийин шароитда ҳам бу соҳага эътибор сусайтирилганн йўқ. Январь ойидан бошлаб йўлсозларнинг иш ҳақи икки баравар оширилди.

Шу вақтга қадар район йўл қурилиши идораси томонидан ҳар йили ўртача 20 километр йўл қайта таъмирланиб ёки янгидан ишга туширилиб келинарди. Агар иш шу кетишда давом этса, яқин ўн йил ичида Қўшработдаги барча йўллар асфальтланиб бўлар экан. Аммо бугунги бозор шароитидаги аҳвол ўзгача. Илгари ҳар йили ушбу идора учун бюджетдан қарийб 1 миллион сўм пул ажратиларди. Эндиликда жумҳурият иқтисодиёти қийинчиликка дуч келган пайтда яна давлатдан ёрдам талаб қилиш кутилган натижа бермайди. Фақат изланиш, тадбиркорлик билан иш юритиш керак.

Шу боис Раҳмон ака Қурбонов ҳам «Эртага фалон ишни қиламан, индинга уни дўндираман», деб катта гапирмади. Аксинча «Вазият изга тушгунча қўл қовуштириб ўтирмаймиз, ўзимизда бор имкониятни ишга соламиз. Кучимиз етгунча йўл қурамиз», — деди у қатъий қилиб.

Бу сўзлар замирида нотекис йўл азобидан изтироб чекиб келаётган ҳар бир йўловчининг «қачон шу йўл ҳам асфальт бўларкин», дея айтган эътирозига жавоб ётгандек туюлди.

Ш. РУЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Ўзбекистон «Плодоовошчсанпром» концернига қарашли Самарқанд тажриба-ишлаб чиқариш бирлашмаси ўтган йил ва бу йилнинг икки ойи режаларини знёда бажарди.
Суратда: [чапдан] бош технолог Ноля Климова, кимё-аналитик Моҳира Усмонова қиёмнинг сифатини кўздан кечирмоқдалар.
Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

БОБУР ҚАДАМЖОЛАРИДА

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят Кенгаши ижроия қўмитасининг қарори билан шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли халқаро илмий экспедиция тузилди ҳамда унинг низоми тасдиқланди.

Экспедицияга Ўзбекистон Фанлар академияси, вилоят ижроия қўмитаси қошидаги кўп тармоқли илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳомийлик қилади. Экспедиция ўз фаолиятини Ўзбекистон, қўҳна Туркистон ва бошқа хорижий давлатларда олиб боради.

Андижонда, жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларида, шунингдек, экспедиция ўтадиган йўллардаги хорижий мамлакатларда ҳамкорликда ишлайдиган тижорат ва кичик корхоналар ҳамда экспедиция ваколатхоналарини очиш, бошқа қонуний корхоналар ташкил этиш кўзда тутилади.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *«Ўзбекистон овози» материаллари изидан*

«ОДАМЛАР САРСОН БЎЛМАСИН»

● Рўзномамизнинг ўтган йил 17 декабрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Фориш райони аҳолиси йўлларнинг носозлигидан қийналаётганн таъкид қилинганди. Мақола юзасидан муҳарририят ФОРИШ РАЙОН ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИдан жавоб олди. Унда жумладан шундай дейилади:

— Мақолада тўғри таъкидланганидек, райондаги қишлоқларнинг аксариятидан ўтган йўллар асфальтланмаган. Чунки районимиз ўтган давр мобайнида чорвачилик маҳсулотлари етказиб берадиган хом ашё базаси бўлиб келган. Ҳозирги иқтисодий инқироз пайтида бу яққол сезилиб қолди.

Райондаги кўпгина хўжаликлар ўз харажатини ўзи қоплай олмаяпти. Ҳатто аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда қийинчиликлар пайдо бўлаётир. Шунинг учун қурилиш ишлари аксариятини тўхтатиб қўйишга мажбур бўляпмиз. Районимиз ҳудуди Жиззах вилояти ерларининг 52 фоизини ташкил этади. Унда икки юздан ортиқ каттакичик қишлоқ бор. Бу ерларга ҳозир асфальт йўл ўтказишнинг имкони йўқ.

Районда айни пайтда иқтисодиётни юксалтириш учун кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда. Узгаришлар ҳозирданоқ ижобий натижалар бераётир. Ўйлаймизки, яқин келажакда йўлларимизни тўлиқ асфальт қилиш имкониятига эга бўламиз.

РАСМИЯТ УЧУН ЁЗИЛГАН ЖАВОБ

● Райондаги «Фориш» давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган Деристон қишлоғига борадиган йўлнинг носозлиги туфайли одамлар ниҳоятда қийналишаётганлиги тўғрисида муҳарририятга А. Абдураҳмонов, Б. Усканов, Б. Жонузоқов, А. Иброҳимовлар ҳам шикоят хати йўллашганди. Шикоят текшириш учун Фориш район ижроқўмига юборилди. У ердан олинган жавобда шундай дейилади:

— Ҳақиқатан ҳам «Фориш» давлат хўжалиги ҳудудидаги Деристон қишлоғига ўтказилган йўл қурилиши икки йил мобайнида битмаган. 1991 йилда «Джизакстепстрой» бирлашмасининг айби билан йўл қурилишига ажратилган маблағ ўзлаштирилмасдан қолган.

Жорий йилда ҳам Деристон қишлоғи йўли қурилиши режага киритилди. Қурилишни маблағ билан таъминлаш масаласи кўриб чиқилмоқда.

ТАҲРИРИЯТДАН: Кўриниб турибдики, район ижроия қўмитаси ҳозирги иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилиб, расмият учунгина жавоб йўллаб қўяқолган. Жавобдан одамлар йўл азобидан қутиладими, йўқми, тушуниб бўлмайди.

Аммо шу нарсани аниқ англаш мумкинки, яқин орада меҳнаткашларнинг ҳақли талаби қондирилмайди. Улар ҳали қишда лой кечиб, ёзда эса чанг, ўйдим-чуқурлардан кўп юришларига тўғри келади.

Меҳнаткашларга ваъда эмас, қулай, равон йўл керак. Ҳаёт шуни тақозо этяпти.

• ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНЛАРИ АМАЛДА •

● Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов олий таълим тизимини янада такомиллаштириш, юқори малакали мутахассис ва илмий кадрлар тайёрлашни яхшилаш, шунингдек, республиканинг барча минтақаларини улар билан яна ҳам тўлароқ ва бир тизимда таъминлаш мақсадида янги олий ўқув юртларини очиш тўғрисида фармон қабул қилди. Бу фармон қандай амалга ошириляпти! Махсус мухбиримиз М. Пирматов шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик Ж. АБДУЛЛАЕВ билан учрашиб, бир неча савол билан мурожаат этди.

— Жўра Абдуллаевич, республикамиз вилоятларида янги университет ва институтлар ташкил этиш ғояси қандай юзага келди?

— Маълумки, республикамизнинг жанубий вилоятлари, Амударёнинг қуйи қисми ва Фарғона водийсида олий ўқув юртлари етишмасди. Бу борада, айниқса, техника соҳасида олий ўқув юртлари йўқ даражада эди. Натижада, турли минтақаларда туғилиб вояга етган иқтидорли, истеъдодли ёшлар илмий унвон ва даража олганларидан сўнг, Тошкентда қолиб ишлашга мажбур эдилар. Бу эса, биринчидан ана шу минтақаларда илм-маърифатни тарғиб-ташвиқ қилиш, янги техника ва технология ҳақидаги тасаввурни халққа етказиш етарли амалга ошмасди.

Иккинчидан, техниканинг ҳозирги замон ютуқларини эгаллаган муҳандис ва олимларнинг етишмаслиги худди шу минтақалардаги замонавий завод ва фабрикалар қурилишига ҳам тўсқинлик қилди. Бундай иншоотлар қурилган тақдирда ҳам улар етарли ва керакли мутахассислар билан таъминланмади. Шу ўринда бир мисолни таъкидлаб ўтмоқчиман. Термиз шаҳридаги Сурхон алоқа тизимларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод шу пайтгача тўла жиҳозланмади ва тўла қувват билан ишга тушмади. Шу муаммони имкони борича тезроқ амалга ошириш мақсадида Тошкент электротехника алоқа институтининг факультети негизида мазкур институтнинг Термиз бўлими ташкил этилди.

Яна шу муаммони ҳам айтиб ўтай. Республикамизда олий ўқув юртлари бир текис ривожланмаганлиги сабабли айрим вилоятларда замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, қурилиши ҳам етарли таъминланмади. Ана шу нотекисликни бартараф этиш ғояси аллақачон пишиб етилган эди. Бу тўғрида республика раҳбариятида кўп фикр алмашишлар олиб борилди. Ҳамкорлик туфайли юзага келган ғоя натижасида бу Фармон юзага чиқди.

— Бу Фармоннинг 16—17 январда Тошкентда бўлиб ўтган Талабалар шаҳарчасидаги тартибсизликлар билан боғлиқлиги ҳақидаги турли фикрлар ҳам юрибди...

— Фармоннинг ёшларни тарбиялашдаги роли хусусида тўхталсангиз.

— Бу саволингиз жуда ўринли бўлди. Республикамиз Президентининг Фармони, агар чуқур ўйлаб қарасак, ёшларни тарбиялашда беқиёс ютуқларни келтириши табиийлигини сезамиз. Бугунги кунда ўрта мактабни битириб, ҳаётга йўлланма олган ёшлар ўз вилоятларидаги шаҳарларда, кўнгиллари истаган мутахассислигини ололмай, бундай олий ўқув юртлари бўлмаганлиги учун ҳам бошқа шаҳарларга бориб, таълим-тарбия олишга мажбур эдилар. Илмга чанқоқ, яшаётган муҳитдаги ҳодисаларни ўзларига сингдирадиган ёшлар учун вилоятларда кўп мутахассисликни ўз ичига қамраган олий ўқув юртларининг ташкил этилиши айни муддао бўлди. Бу эса ёшларимизнинг очилиши, уларга шу манзилдан тарбия топган бошқа шаҳарларда ишлаётган олимлар ҳамда юксак малакали мутахассисларни ишга жалб этиш имкониятини беради. Натижада, вилоятларимизда олий таълим ўчоқларигина эмас, балки илмий-тадқиқот масканлари ҳам пайдо бўлади. Бу биринчидан, шу ердаги ёшларнинг илм-фанга бўлган эҳтиёжини худди шу ернинг ўзида қондириш имкониятини беради. Иккинчидан, келажакда ташкил этиладиган янги завод ва фабрикалар зарур мутахассислар билан таъминланади. Сўнгги омил эса ҳозир биз бозор иқтисодиётига ўтаётган вақтда хорижий мамлакатлар вакиллари билан қўшма корхоналарнинг вужудга келаётган даврда жуда ҳам асқотади.

— Фармоннинг ёшларни ота-оналаридан, қадрдон уйидан узоқлашмай, билим ва мутахассислик олишларига бўлган эҳтиёжини қондиришга шароит яратди. Шу билан бирга шанба ва дам олиш кунлари ёшлар ота-оналари билан бўлиб халқимиз юз йиллаб рўёбга келтирган тарбиявий муҳитдан узоқлашмайдилар. Оилага, ота-онага бўлган меҳр-муҳаббат янада ўса боради. Натижада бу ёшларнинг кейинчалик бошқа шаҳарга бориб ўқиши, улар дунёқарашининг ва ҳаётга бўлган муносабатига бошқача таъсир қилса керак, деган фикрдаман.

— Бошқа шаҳарларга бориб билим олишнинг маъноси нимада?

— Агар вилоятлардаги ташкил этилган университет ва институтлар ёшларнинг эътиқод билан тайёргоҳларида ўқишни давом эттирадилар. Худди шу ерда диплом ва лойиҳа ишларини ёқлайдилар. Демак, айтайлик, Тошкент давлат университетининг дипломини оладилар.

— Вилоятлардаги педагогика институтлари университетларга айлантирилди. Бунинг фарқи нимада?

— Ҳали таъкидлаб ўтганимдек, университет том маъноси билан илм ўчоғидир. Унинг қошида илмий текшириш бўлимлари ва илмий-текшириш институтлари ташкил топиши мумкин. Демак, уларда ёшларга таълим, билим бериш билан бир қаторда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳар томонлама йўлга қўйилади. Бу шу минтақаларда халқ хўжалигининг талабларига биноан илмий-текшириш ишларини бажариб, саноат ва қишлоқ хўжалигини фан асосларида самарадорликни ошириш имкониятини беради. Баъзи университетларнинг раҳбарлари хаёлида энди кўпроқ факультетлар, кафедралар очиш имконияти туғилди, деган гап-сўзлар ҳам бор. Менимча, аввало мавжуд факультет ва кафедраларнинг жиҳозланишини, юқори малакали илмий-педагогик кадрлар билан таъминланишини амалга ошириш керак. Уларнинг умумий илмий-услубий савиясини кўтариб, ҳозирги замон университетлари даражасига етказиш зарур деб ўйлайман. Шундан сўнггина ҳар бир минтақанинг муайян талабига мувофиқ янги факультет, кафедра ва мутахассисликлар очиш маъқул бўлур эди.

— Яқинда Туркияга сафар қилиб қайтдингизлар. Сафар дастурлари хусусида ўртоқлашсак.

— Туркияга бўлган сафарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркия Президенти Турғут Ўзол томонидан тасдиқланган битимларнинг маълум қисмини рўёбга чиқариш бўйича аниқ тадбирлар амалга оширилди. Аммо бу масала чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этишни талаб этади. Бу мавзудаги суҳбатни кейин давом эттирсак...

ЎҚИШ ВА ТАРБИЯ— АСОСИЙ МАСЪУЛИЯТ

ХУШХАБАРЛАР

ИШЧИ ЎРИНЛАРИ

● Шофиркон вилоятнинг аҳолиси зич районларидан биридир.

Шуни ҳисобга олиб, бу ерда яна бир йирик корхона — Бухоро тўқимачилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг йигирув фабрикасини қуришга қарор қилинди. Фабрикада икки минг шифокор учун ишчи ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда. Қурилиш 1994 йилда поёнига етади.

БИЛИМ МАСКАНИ

● Жондор районидаги Гагарин номли жамоа хўжалигида янги мактаб қурилиши ниҳоясига етмоқда.

Билим масканини вилоят 1-қишлоқ қурилиши трести-нинг райондаги бўлинмаси бунёдкорлари барпо этишяпти. Қурилиш поёнига етмай туриб, меҳнат жамоаси яна 360 ўринли мактаб биносини тиклашга буюртма олди. Келгусида эса худди шундай яна бир бино қуриш мўлжалланяпти. Уларнинг барчасида спорт заллари, ошхона ва бошқа бинолар кўзда тутилган. Меҳнат жамоаси бозор иқтисодиёти шароитида таълим-тарбияга путур етмаслиги учун барча тадбирларни кўрмоқда.

«АБДУЛФАИЗХОН»

● Садриддин Айний номидаги вилоят музикали драма ва комедия театри ижодий жамоаси Абдурауф Фитратнинг шу номли фожиасини театр мухлисларига ҳадя этди.

Асарни Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Убайдулло Бақоев саҳналаштирди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Файзулло Абдуллаев Абдулфайзхон ролини маҳорат билан ижро этди. Шунингдек, театр артистларидан И. Жумаев, Ш. Йўлдошев, Б. Қодиров, С. Атоев, Р. Шукуров, Й. Кенжаев ҳам ўз истеъдодларини намойиш этишди.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Заҳро Раҳимовна РАҲИМБОБОЕВА



Таниқли давлат ва жамоат арбоби, ўзбек маданиятининг ривожига муносиб ҳисса қўшган истеъдодли ташкилотчи, чет эллардаги ватандошлар билан маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон «Ватан» жамияти раисининг биринчи ўринбосари Заҳро Раҳимбобоева 70 ёшда вафот этди.

З. Раҳимбобоева 1923 йилда Андижон шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. У меҳнат фаолиятини 1938 йилда бошлаган.

У комсомол ташкилотларида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлим бошлиғи, котиби лавозимларида ишлади. Ўзбекистон Маданият вазирлигида вазир ўринбосари ва вазир лавозимларида фаолият кўрсатди.

З. Раҳимбобоева дипломатия соҳасида ҳам фаол иштирок этди. Халқаро демократик хотин-қизлар уюшмаси котибиятида совет вакили, СССРнинг Ҳиндистондаги маслаҳатчи-элчиси, СССР Ташқи ишлар вазирлигида бўлим бошлиғи ўринбосари вазифаларини бажарди. Унга фавқулодда ва мухтор маслаҳатчи-элчи унвони берилган.

З. Раҳимбобоева икки марта СССР Олий Кенгашига ва беш марта Ўзбекистон Олий Кенгашига депутат қилиб сайланган эди.

У бир қатор СССР нишонлари ва медаллари билан мукофотланган. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига сазовор бўлган.

Таниқли давлат ва жамоат арбоби, жонкуяр ва фидоий инсон Заҳро Раҳимбобоеванинг порлоқ хотираси қалбимизда мудом сақлангусидир.

И. Каримов, Ш. Йўлдошев, А. Муталов, Э. Самандаров, Б. Назаров, Ш. Зиёмов, А. Фозилбеков, У. Абдураззоқов, Н. Ғойипов, С. Султонова, Р. Ғуломов, Ҳ. Худойберднева, Р. Бобожон, М. Ҳакимов.

КАРТОШКА ЭКИЛМОҚДА



Қибрай районидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалигида экин-тикин ишлари бошлаб юборилди. Айниқса Адҳам Каримов бошлиқ бригада аъзолари картошкани қисқа муддатда экишга ҳаракат қилишмоқда.

Суратларда: 1. Хўжалик тафтиш комиссияси раиси Ризамат Ёқубов билан бригада бошлиғи Адҳам Каримов. 2. Бригада далаларида картошка экиш пайти.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.



АМЕРИКА ЎҚИШГА ЧОРЛАЙДИ

Америка Қўшма Штатларининг конгресси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ёшларини Американинг йирик дорилфунунларида юқори даражада билим олишлари учун 7 миллион долар ажратган эди. Ўқишга юборилувчиларни тайёрлаш ишлари АҚШнинг Халқаро илмий алмашув — «Айрекс» уюшмаси зиммасига топширилган. Бу ташкилотнинг Олмаота шаҳри бўлими вакили Пола Майкалс Тошкентда меҳмон бўлиб турибди. У мухбиримизга бундай деди:

— Биз Ҳамдўстлик мамлакатларидан 160 кишини танлаб олишимиз керак. Анкета тўлдирувчилар учун учта шарт қўйилган: инглиз тилини яхши билган, қирқ ёшгача бўлган ва исталган олий ўқув юртларини битириб диплом эгалари бўлган ёшлардир.

Америкага ўқишга бориш истагида бўлганлар эртага 11 март куни соат 11 да иқтисодиёт дорилфунунининг мажлислар залида бўладиган учрашувга марҳамат қилишлари сўралади. Анкетанинг барча саволларига маълумотли ва аниқ жавоблар ёзилиши лозим. Шундан кейин бу анкета қуйидаги адресга 10 апрелгача кечиктирмай почта орқали етказилиши сўралади. Олмаота шаҳри 480-100, Жамбул кўчаси, 25 уй, 31-хона. «Айрекс» бошқарувига.

• Янгиликдан хабарингиз борми?

ҚАДРИЯТГА БАҒИШЛАБ

Куни кеча Тошкентда «Миллий қадриятларимиз — мактаб ва маҳаллаларда тарбия ишларини олиб боришда муҳим омил» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимияти халқ таълими Бош бошқармаси, Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, Тошкент шаҳар маҳаллалар кенгаши ва республика педагогика жамияти уюштирди.

Анжуманда республика халқ таълими вазирининг ўринбосари, шаҳар ҳокимияти халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Йўлдошевнинг «Мактабларда таълим-тарбия муаммоларининг замон талабига монанд ечимлари ҳақида», тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг директори, Тошкент шаҳар маҳаллалар кенгаши раиси Қ. Фозилхўжаевнинг «Миллий қадриятлар ёш авлодни тарбиялашда муҳим омил» мавзуидаги маърузаларида ва сўзга чиққан нотиқларнинг таклифларида ёш авлодни тарбиялаш, янги шаклдаги мактаб — лицейларда ўқувчи-ёшларни миллий тарбия билан қамраб олишдаги муаммолар, оила, мактаб, жамоатчиликни миллий анъаналар асосида ёшлар онгига сингдиришдаги янгича усуллар хусусида тўхталдилар.

Йиғилишда ёшларни халқимизнинг миллий анъаналари руҳида тарбиялаш муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман қатнашчиларининг мурожаати қабул қилинди. Шунингдек, халқ таълимини ривожлантиришдаги самарали меҳнати ва фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор берган бир даврда ота-оналар ва маҳалла қўмиталарининг раислари «Ўзбекистон Республикаси Халқ маорифи аълочиси» нишони билан мукофотландилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров иштирок этди.

«ЎҚИТУВЧИ—92» КЎРИК-ТАНЛОВИ

Ҳар йилгидек бу йил ҳам республикамиз район, шаҳар ва вилоятларида бўлган кўрик-танлови ғолиблари республикамиз пойтахти Тошкентга йиғилдилар. Танловда иштирок этган ҳар бир ўқитувчининг билими нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланди. Кўрик-танлов сўнгги босқичида Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳридаги 1-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Яшнарбек Авлоқулов ғолибликни қўлга киритди. Сирдарё вилояти Оқолтин районидаги 1-иқтидорли болалар мактабининг математика ўқитувчиси Мавлуда Қаюмова, Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот шаҳридаги Киров номли ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси Қолдибой Успанов иккинчи ва учинчи ўринни эгалладилар.

Кўрик-танлов сўнгги босқичи иштирокчиларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари М. Қораboев қабул қилди.

М. ҚУРБОНОВ.

• ЖАМИЯТ, ИНСОН ВА ҚОНУН •

ДАВР ТАЛАБИГА ҲАМОҲАНГ

Республика Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганидек, маънавий, ҳуқуқий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Ўзбекистон мустақил давлат бўлди! Ўзбекистон ССР Ўзбекистон Республикаси деб ўзгартирилди. Шу муносабат билан Президентимиз Ўзбекистон Конституциясига зид келмаган собиқ Иттифоқ миқёсидаги қонунлардан вақтинча фойдаланиб туриш ҳақида Фармон чиқарди.

Лекин бу собиқ СССР номидан қабул қилинган қонунлардан доимий фойдаланамиз, деган гап эмас. Иттифоқ қонунларининг кўп моддалари маҳаллий шароитга тўғри келмайди. Шу боисдан ҳуқуқшунос олимларимиз, мутасадди идоралар эски қонунларга ўзгартишлар киритиш, республика қонунларини такомиллаштириш устида жиддийроқ бош қотиришлари мақсадга мувофиқдир.

Эркин давлатнинг ўзига хос, миллий, мустақил ҳуқуқий тизими бўлмоғи лозим. Республикада амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар, жамиятни ривожлантиришга интилишлар Асосий Қонун — янги Конституцияда ўз аксини топиши керак. Шу сабабли уни ишлаб чиқишни жадаллаштириш, масалага юксак масъулият билан қараш зарур.

Ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий ривожланишнинг биринчи шарти — меҳнат интизомини мустаҳкамлашдир. Афсуски, қайта қуриш даврида интизом ҳаддан ташқари бўшашиб кетди. Кўпчилик масъулиятни ҳис этмай қўйди. Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан меҳнат интизоми янгича аҳамият касб этади. Мустақилликни сақлаб қолиш учун ҳам давлат ва молия интизомини, меҳнат ва онгли интизомни йўлга қўйиш, изга солиш жуда муҳим. Чунки, қаерда рақобат, меҳнат беллашуви кучли бўлса, ўша жойда ташаббус, янгилик туғилади, иқтисодий ўсиш рўй беради.

Республика Олий Кенгаши Раёсати қабул қилган қарорларда, Президент чиқарган Фармонларда ҳам ана шу долзарб масалага алоҳида эътибор берилаётгани таҳсинга лойиқдир. Бу қарор ва Фармонларнинг моҳияти шундаки, барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, давлат ва жамоа ҳўжаликларида юқори самарадорликка фақат онгли интизом туфайли, ишчи ва хизматчилар, қишлоқ меҳнат аҳлининг моддий манфаатдорлигини ошириш орқали эришилади.

Бу, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Прокуратура идоралари қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш ишини давр талабига ҳамоҳанг қилиб ўзгартиришлари лозим. Биз учун энг муҳими, меҳнат интизомини бузувчи дангаса, ишёқмас ва текинхўрларга нисбатан курашни кучайтириш тўғрисидаги қонунлар ижросини қаттиқ назорат остига олишдир.

Республика прокурорининг долзарб масалалар юзасидан берган ва бераётган кўрсатмалари биз учун асосий қўлланма вазифасини ўтаяпти. Масалан, Республика прокурори ўтган йил декабрь ойида прокуратура идоралари умумий назорат бўлимлари фаолиятини такомиллаштириш ҳақида кўрсатма берган эди. Унда ишлаб чиқариш интизомини таъминлаш, бу ишда прокурорларга берилган ваколатлардан самарали фойдаланиш уқтирилганди.

Андижон вилоят прокуратураси ана шу кўрсатмага амал қилиб, бир қатор корхоналар, ташкилотларда назорат-тафтиш хизматида қонунларга қандай риоя қилинаётганлиги юзасидан текшириш ўтказди. Шу нарса аён бўлдики, айрим корхона ва ташкилотларда давлат, молия ва меҳнат интизомини бузган кўп шахслар моддий жавобгарликка тортилмаган, ҳатто меҳнат қонунларининг қўпол бузилиши ҳақидаги ҳужжатлар тергов идораларига кечиктириб юборилган. Баъзи ҳолларда юқори ташкилотларга жўнатилган ҳисоботларда интизомий жазога тортилган шахслар сони бузиб кўрсатилган.

Вилоят прокуратурасининг тавсиясига биноан 12 мансабдор шахс интизомий, 60 шахс маъмурий, 716 шахс моддий жавобгарликка тортилди. Улар орасида меҳнат қонунига амал қилмаган Қўрғонтепа район умумий овқатланиш муассасаси директори Х. Мамадалиев ҳам бор.

Назорат тартиби ўтказилган текширишларда яна шу нарса аниқландики, давлат савдоси тармоқларида, матлубот жамиятларида, ишчилар таъминоти идораларида давлат мулкининг сақланиши ҳақидаги қонунларга тўла амал қилинмаган. Вилоят нефть маҳсулотлари бирлашмаси бўйича бир йилда 39 та талон-тарож қилиш, камомад келтириш ҳолатлари ошкор бўлди. Биргина Пойтуғ нефть базасида 17 минг сўмликдан кўпроқ мулк ўзлаштирилган. База омборчиси Н. Одилов устидан жиноий иш қўзғатилган.

Шаҳар, район прокурорлари томонидан ўтказилган текширишларда давлат, жамоат ташкилотларида қўшиб ёзиш, ҳисоботни бузиб кўрсатиш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат жароҳати олиш, ҳайвонларнинг ҳаром ўлиши, мажбуран сўйилиши, маҳсулот етказиб бериш шартномасининг бузилиши, қонунсиз ишдан бўшатиш, табиатни муҳофаза қилиш, ер тўғрисидаги қонунларнинг бузилиши натижасида давлатга 1 миллион 710 минг сўм зарар етказилганлиги аниқланди. Айбдор шахслар устидан 825 та даъво қўзғатилди. Шундан 476 таси халқ судларида кўрилиб, айбдорлардан 1 миллион 38 минг сўм пул ундирилди. Баъзи айбдор шахслар тавба-тазарру қилиб етказилган 87 минг сўм моддий жавобгарликка тортилди. Улар орасида меҳнат қонунига амал қилмаган Қўрғонтепа район умумий овқатланиш муассасаси директори Х. Мамадалиев ҳам бор.

Ўтган йил давомида фуқаролардан вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлимига 100 та ариза ва шикоят тушди. Шундан 18 таси меҳнат қонунларининг бузилгани ва ишдан нотўғри бўшатилганлик ҳақидадир. Бўлим ходимлари бу арзномаларни пухта ўрганиб, Асака шаҳар санитария-эпидемиология станциясининг котиба-машинистkаси М. Қодирова, Бўз район алоқа бўлими ходими И. Юнусов, Андижон «Электродвигатель» заводи таъмирлаш-қурилиш бўлимининг бошлиғи А. А. Галаняц ва бошқаларни ишга тиклади.

Меҳнат интизомини бузиб, ишлаб чиқаришга салбий таъсир ўтказаётган шахсларни ўз вақтида жазога тортмаслик, келишувчиликка йўл қўйишгина эмас, балки корхона, ташкилотларнинг нормал фаолиятига зарба беришдир. Прокурорлар муросасозликдан йироқ бўлишлари, давлат, молия ва меҳнат интизомига панжа орасидан қаровчи мансабдор шахсларга қатъий чора кўришлари керак. Зарур ҳолларда у ёки бу хўжалик раҳбари келгусида ишни таъминлай олиш ёки олмасда маълумотлар келиб турибди. Бундай кўнгилсиз воқеаларга йўл қўйган шахслар камдан-кам интизомий, моддий ва жиноий жавобгарликка тортилаётганлигини сира кечириб бўлмайди.

— Иқтисодий тангликдан чиқиш учун, — деб таъкидлади Президентимиз И. А. Каримов 1992 йил 5 январда Республика Олий Кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқида, — ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, меҳнат қилмоғимиз керак. Бу курашда прокурорлар ҳам фаол қатнашишлари, прокурорлик назорати ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаётган шахсларни тўғри йўлга солишга қаратилмоғи керак.

Аммо ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг фаолияти бугунги кун талабидан анча орқада қолаяпти. Биринчи навбатда текинхўр шахсларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу ишда прокурорларнинг жойлардаги ижроия қўмиталари, давлат ташкилотлари, ички ишлар идоралари билан ҳамкорлик қилиши мақсадга мувофиқдир. Айни вақтда турар-жой идоралари, корхоналар ва ишга жойлаштириш бюролари билан алоқани мустаҳкамлаш керак.

Меҳнат жамоаси аъзоларидан бирининг қонунбузарликка йўл қўйиши, жиноятга қўл уриши — ушбу жамоанинг меҳнат фаолиятига қандай салбий таъсир кўрсатиши изоҳ талаб қилмайдиган ҳолатдир. Бундай ҳолатда ҳуқуқбузарни меҳнат жамоаси тарбиясига топшириш кўпинча ижобий натижа беради. Баъзан бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Чунки ташмачиликка ўрганиб қолган шахсларга бундай чора кор қилмайди. Шу сабабдан прокурорлар меҳнат жамоаси номидан у ёки бу шахсни жиноий жавобгарликка тортмай, кафилликка бериш ҳақидаги талабномаларни пухта кўриб чиқишлари керак. Ўша жамоа кам аҳамиятли жиноят содир қилган кишини қайта тарбиялай оладими? Буни ҳисобга олиш фойдадан холи бўлмайди.

Шу ўринда прокуратура ўз зиммасига катта масъулият олмаяптими, деган савол туғилиши мумкин. Йўқ, ундай эмас. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида шундай таъсир чораларини қўллаш прокуратура идораларининг қонуний бурчидир. Қонунбузарлик билан етказилган зарарни айбдор шахсдан ундириш ҳам меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, жамоани ҳалоллик руҳида тарбиялашга ҳизмат қилади. Келгусида қонунбузарлик ва жиноятнинг олдини олишга йўналтирилган иш режалари ва бошқа дастурлар тайёрлашда прокурорлик текширувлари ҳамда тергов ҳаракатлари натижаларига эътибор бериш жуда муҳимдир.

Прокурорлик назоратининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, ишга сон кўрсаткичига қараб эмас, сифати ва мазмунига қараб баҳо бериш, назоратни қонунчиликни мустаҳкамлашга йўналтириш зарур. Энг муҳими, амалга ошираётган барча ҳуқуқий ишларимиз давр талабига ҳамоҳанг бўлиши, янгиланган мустақил республикамизни иқтисодий тангликдан чиқаришга хизмат қилиши лозим.

Ҳозир биз шу йўлдан боряпмиз. Прокуратура идоралари ходимларини шу руҳда тарбиялаяпмиз.

У. ИНОМЖОНОВ,
Андижон вилояти прокурори, III даражали давлат адлия маслаҳатчиси.

• ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ •

ХАЛҚ ИЖОДИН АРДОҚЛАБ...



Атоқли олим, толмас фан ташкилотчиси Муҳсин Қодиров ҳақида ўйлаганимда, менинг кўз ўнгимда теран билим ва интилишларга эга бўлган, тадқиқотчилик ва қизиқиш доиралари кенг илм фидойиси намоён бўлади. У ўзининг ёрқин истеъдоди ила санъатшунослик ва фольклористика фанини нодир илмий асарлар билан бойита олган, шу туфайли мазкур фанлар ривожини таъминлай билган тадқиқотчи, ўзи мансуб бўлган фан соҳасининг бир неча йўналишларида мунтазам шуғулланиб келаётган илм жонкуяридир. Яна бунга унинг илмни тарғибот ишлари билан, таълим-тарбия билан боғлаб олиб бораётганлигини, бадиий ижод билан ҳам шуғулланаётганлигини қўшсак — бир ижодкор шахсда хилма-хил ижодий қирралар намоён бўлганлигини қаноат ҳисси билан қайд этамиз.

Қамровни бундай кенг олиш, илмий масалаларни мумкин қадар батафсил ва чуқур ўрганиш, илмий иқтидорни тўла намоён эта билиш хусусияти — унинг устози, Ўзбекистонда фольклоршунослик мактабининг асосчиси Ҳоди Зарифга хос илмий-текшириш йўли эди. Муҳсин Қодиров шу йўлда собит қолди. Шу билан бирга, истеъдодининг ўзига хослигини кўрсата билди: фольклоршунослик ва санъатшуносликка янги ғояларни, халқ ижодининг нашр тушмаган намуналарини олиб кирди, оқибатда эса, янги йўналишга — ўзбек халқ томоша санъатини фаннинг бир неча соҳалари кесишган нуқтада ўрганишга асос солди.

Олимнинг илмий фаолиятида ўзбек халқ анъанавий театри ва унинг драматургияси, қизиқчи, масхарабоз, латифагўй, аскиябоз ва қўғирчоқбозларнинг маҳорати масалаларини текшириш асосий ўрин тутади. «Кекса дорбоз», «Юсуфжон қизиқ», «Ғус қишлоғи санъати» каби мақолалари эълон қилиш билан бошланган олимнинг бу фаолияти бутун ижоди давомида изчил йўналиш касб этди. Натижада «Ўзбек халқ оғзаки драмаси» (1963), «Масхарабоз ва қизиқчилар санъати» (1971), «Халқ қўғирчоқ театри» (1972), «Ўзбек театри анъаналари» (1976) каби бир-биридан сара, ёрқин монографиялар, ўнлаб рисолалар, юзлаб илмий-оммабоп мақолалар яратилди. Эътиборли томони шундаки, тадқиқотлар доирасига киритилган барча фольклор намуналари асосан Муҳсин Қодировнинг ўзи ёки унинг раҳбарлигида тўпланган. Бу материаллар 1958—1961 йилларда Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро вилоятларига, 1962—1964 йилларда Фарғона водийсига уюштирилган фольклор-этнографик экспедицияларнинг, кейинроқ бошқа вилоятларга ва жумҳуриятдан ташқарида ўзбеклар яшайдиган жойларга қилинган илмий сафарларнинг маҳсулидир.

Муҳсин Қодиров тадқиқотлари назарий асосланганлиги, масалаларни янги факт ва ҳужжатлар асосида умумфан нуқтаи назаридан кўламдор қилиб қўйилганлиги ва уларнинг бугунги театр санъати амалиёти билан маҳкам боғланганлиги жиҳатидан ҳам ажралиб туради. Таҳлил объектига жалб этилган барча материаллар — ўзи ва бошқалар томонидан ёзиб олинган 500 га яқин оғзаки комедия, кулки-ҳикоя намуналари, халқ ижодчилари билан қилинган суҳбатлар, жонли ижро ва ижод жараёнига доир кузатишлар — бари археологик қазилмалар, осори-атиқалар ва тарихий-этнографик маълумотларга қиёсланади. Шу ёритиш, профессионал саҳна санъатида тутган ўрин ва мавқеини очишга қаратилган.

Тадқиқотчи масхарабоз ва қизиқчилар санъати, халқ театрининг ўзига хос хусусиятлари, турлари, айрича белгиларини ва XVIII аср охиридаги, XIX асрдаги ва XX аср бошларидаги ҳолатини, томоша-спектакларнинг ғоявий-бадиий моҳиятини таҳлил қилар экан, ҳозирги Ўзбекистонда репертуар бирлиги ва ижро усуллари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи Бухоро, Фарғона, Хоразм халқ анъанавий театри мавжудлигини, ҳатто ўзига хос хотин-қизлар театрлари борлигини аниқлайди. Унинг тадқиқотларида топқирлик, синчковлик, билимдонлик хусусиятлари ярқ этиб кўриниб туради. Назаримизда, Муҳсин Қодиров халқ театрининг келиб чиқиши, ривожланиш босқичлари, қўғирчоқбоз ва масхарабозлар гуруҳлари, устоз-шогирдлик муносабатлари, қўғирчоқларнинг ясалиши, қизиқчиларнинг кийим-кечаклари, саҳна майдони ва бошқалар ҳақида фикр юритар экан — асосда эса, 20-30-йиллар ўзбек драматургияси ва театри тараққиётига назар ташлаш, уларни бугунги саҳна санъати амалиёти билан боғлаш — мазкур тадқиқотлардаги бош мавзуни, яъни фольклор театри табиати, унда жонбозлик кўрсатган масхарабоз ва корфармонларнинг маҳоратини кўпроқ этнограф-фольклорчи сифатида, фольклор театри пойдевори бўлган оғзаки драматургия хусусиятларини ёритар экан — кўпроқ фольклорчи-адабиётшунос сифатида, ижрочилик маҳорати, масхарабоз ва қизиқчиларнинг санъати, анъаналарнинг янги театр шаклланишидаги ўрни тўғрисида мулоҳазалар баён қилар экан — кўпроқ театршунос-фольклорчи сифатида намоён бўлади.

Муҳсин Қодиров янги давр театримиз тарихини, унинг йирик намояндалари ижодини изчил ўрганиб келаётган олимларимиздан. «Ўзбек мусиқали драмаси илдизлари» (1965) ишн шу йўналишдаги жиддий тадқиқотдир. Шундан кейин олим «Ўзбек мусиқали драмаси» (1971), «Сойиб Хўжаев» (1973), «Сеҳр ва меҳр» (1980), «Саҳнамиз лочинлари» (1986), «Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театри» (1990) каби китоблар эълон қилди. Бу китоблар ва мақолаларнинг аксарияти саҳна санъатининг атоқли ва пешқадам намояндалари ижодига бағишланган очерклар, ижодий портретлар, гурунглар, эсселар, анъанавийлик ва замонавийлик мавзуидаги илмий иншолардан иборат. Уларда давр, интилиш, бадиий идрок, гражданлик ва инсонийлик туйғулари нуқтаи назаридан бир-бирига яқин санъаткорлар ҳақида мулоҳазалар юритилади. Тадқиқотчи Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятов, Сора Эшонтўраева, Шукур Бурхонов, Наби Раҳимов, Олим Хўжаев ва бошқа улкан санъаткорлар ижодининг таҳлили орқали янги давр театрининг ўзига хос тарихини яратди.

Адабиёт ва фольклор муносабатларини ўрганиш, уларнинг бир-бирига таъсири ва акс-таъсири масалаларини ёритиш, сўз санъатининг бу икки тури асрлар давомида бақамти яшаб келишидаги тарихий-бадиий жараёнларни таҳлил этиш масалалари ҳамма вақт олимлар орасида турли мунозараларга сабаб бўлган, доимий тадқиқотлар майдонига айланиб келган. Муҳсин Қодиров ҳам бу мавзуда қатор мақолалар ва китоблар яратди. Айниқса, унинг «Алишер Навоий ва санъат», «Ҳамза ва халқ санъати» каби китоблари шу йўлдаги дадил қадамлардан ҳисобланади.

Профессор, санъатшунослик доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Муҳсин Қодиров илмий-текшириш ишларини бадиий ижод билан қўшиб олиб бораётган ижодкор. У Муҳсин Халил тахаллуси билан ўн тўртта пьеса ижод этди. Уларнинг аксарияти жумҳуриятимиз театрларида саҳналаштирилди. Асосан фольклор мотивлари ва сюжетлари асосида ёзилган бу асарлар болаларга мўлжалланганлиги билан характерлидир.

Муҳсин Қодировнинг монографиялари, китоблари, рисолалари, илмий-оммабоп мақолалари, тақризлари хилма-хил йўналишда бўлса ҳам, бу меҳнатсевар, камтар инсонга хос яхлит ўзликни, олимона мулоҳазакорликни кўрсатиб турувчи асарлардир. Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида ёзиш ҳам мумкин. Биз эса ҳалол ва пок дўстимизни, ўз севинчлари ва шодликларини санъатимиз равнақида кўрган инсонни, узининг бутун борлиғини ўзбек театршунослиги ва фольклоршунослиги ривожига бахшида этиб келаётган юксак маданиятли олимни муборак олтмиш ёши билан табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, илмий-ижодий фаолиятида янги ютуқлар тилаб қоламиз.

Тўра МИРЗАЕВ,
Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, профессор.

МЕРОС ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Маълумки, аждодларимиздан бизга ниҳоятда улкан тарихий ва маданий ёдгорликлар мерос қолган. Ноёб қўлёзмаларимизу асори-атиқаларимиз намуналари дунёнинг энг машҳур кутубхона ва музейларига кўрк бериб турибди.

Бу ноёб ҳазинани асраб авайлаш ва уни келажак авлодларга тўла-тўкис етказиш учун нима қилиш керак? Республика «Мерос» жамғармасининг таъсис қилиниши бу муаммоларни ҳал этишга кўмаклашади.

6 март куни Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида шу жамғарманинг таъсис мажлиси бўлди.

Жамғарма таъсис этилишидан асосий мақсад унга тушган маблағлар ҳисобига «Мерос» марказини қуришдир. Бу марказда нодир қўлёзмалар сақланади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Совпластитал» қўшма корхонаси, Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва ўнлаб бошқа ташкилотлар ана шу янги жамғарманинг муассислари бўлдилар. «Мерос» жамғармаси раиси этиб Ўзбекистон маданият вазирининг ўринбосари Насиба Иброҳимова сайланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров иштирок этди.

(ЎзА мухбири).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
РЎЗНОМАСИНИНГ
ЖАРЧИНОМАСИ

ТОШКЕНТ ДОРИШУНОСЛИК ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар: ўзбек ва рус тиллар, чет тили, умумий кимё, тайёр дорилар технологияси, фармация ишини ташкил этиш ва унинг иқтисоди (фан докторлари ёки номзодлари);

Профессор: органик кимё;

Доцентлар: фалсафа, анатомия асослари билан биология ва физиология, физика ва риёзиёт, аналитик кимё, дори турлари технологияси (2), фармацевтик кимё фармакогнозия курси билан (ПМОК);

Катта ўқитувчилар: инглиз тили, немис тили, ботаника (2);

Ўқитувчилар ва ассистентлар: инглиз тили, сиёсий тарих, микробиология ва гигиена фуқаро мудофааси курси билан, анатомия асослари билан биология ва физиология, фармакотерапия биринчи тиббий ёрдам курси билан.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Қуйидаги манзилга мурожат қилинсин: 700015, Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ПРОФЕССОРЛАР:

Маъмурий ҳуқуқ, Конституцион ҳуқуқ.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700047, Тошкент шаҳри, Карл Маркс кўчаси, 35-уй, Тошкент Давлат юридик институти кадрлар бўлими.

Телефон: 32-09-39.

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ

жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари ва корхоналарга ўзаро манфаатли шартлар асосида Т—28Х4 тракторларининг олди ва орқа мостларини, пахтани қайта ишлаш машиналарининг ҳар хил типдаги редукторларини тиклаш бўйича ўз хизматини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Манзилгоҳимиз: 700057, Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 177-уй.

Телефонлар: 48-03-61, 48-69-25.

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ.

«Союзреклама» акционерлик жамиятининг «Сарбон» Ўзбекистон реклама агентлиги.

АСТРАХАНЬ БАЛИҚЧИЛИК САНОАТИ ВА ХЎЖАЛИГИ
ТЕХНИКА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

Иқтисод (1); **Бухгалтерия ҳисоби** (1); **Балиқчилик** (1) кафедралари мудирлари таркибидаги бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга жўнатилсин: 414025, Астрахань шаҳри, Татишчев кўчаси, 16-уй.

• ШУ КУННИНГ МАВЗУИ

ТАРИХДАН ҚАНДАЙ САБОҚ БЕРАЙЛИК?

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ўлкамиз тарихини битувчи олимларимиз, айни вақтда бу тарихни ўқитувчи олий ҳамда ўрта мактаб муаллимлари олдига бағоят масъулиятли вазифаларни қўйди. Зотан, етмиш йилдан ортиқроқ вақт мобайнида турли «изм-изм»ларга, ягона мафкурага асосланиб, ўшанда ҳам фақат Русия тарихини ёзиб ва ўқитиб келганмиз. Айниқса, ўрта мактабларнинг муаллимлари тарихдан ҳамон эски дастурлар асосида сабоқ бериб келишмоқда.

Хўш, тарихий воқеликни анча бузиб талқин этган, Туркистон ўлкаси, Ўзбекистонимизнинг ҳақиқий ўтмиши ҳақида лом-мим демайдиган, бошдан-оёқ Русия тарихини бўяб-бежаб кўрсатадиган ўрта мактабларнинг тарих дастурларидан қачон воз кечамиз? Ўзбекистон халқлари тарихидан дарслик, китоб, ўқув қўлланмалари қачон чиқарилади? Ҳозирги шароитда мактаб ўқувчиларига тарих фанидан, айниқса, Ўзбекистон тарихидан қандай сабоқ бериш ва бунда қайси адабиётлардан фойдаланмоқ лозим? Тошкентдаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтида шаҳар мактабларидан келиб, ўз билим ва малакаларини ошираётган биз — ўрта мактабларнинг тарих ўқитувчиларини аввало ана шу саволлар қизиқтирарди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг етакчи мутахассиси, тарих фанлари доктори Ҳ. Зиёев, Тошкент молия олий билимгоҳи фалсафа ва сиёсатшунослик кафедрасининг мудири, фалсафа фанлари доктори Н. Маматов, шу институт доцентлари Ж. Абдухолиқов, Ғ. Ғуломов ва Ж. Раҳимовларнинг бу ерга келиб ўқиётган маърузаларидан тарих муаллимлари ўзларини ташвишлантираётган шундай саволларга бир қадар бўлса-да жавоб топдилар. Айниқса, «Қадимги мутафаккирларнинг жамият тўғрисидаги қарашлари», «Марксистик таълимотнинг пайдо бўлиши, моҳияти ва тарихий тақдири», «Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши», «1916 йилги Жиззах қўзғолони» каби мавзулардаги маърузалар қизиқарли ўтди.

Айни вақтда булар тингловчи ўқитувчиларнинг жуда қизғин баҳс ва тортишувларига, ўзаро жонли фикр алмашувларига сабаб бўлди. Домлалар ҳамда биз мактаб ўқитувчилари ўртасида ўқувчининг шуури, чуқур билим олишидан тортиб то тарбиясигача кўплаб масалалар юзасидан очиқ мулоқот бўлмоқда. Аксарият тингловчи-ўқитувчилар бундай мулоқотларда фаол қатнашяптилар. Айниқса, ўқитувчилардан Д. Жабборов (148-мактаб), М. Тошмуҳамедова (111-мактаб), А. Набихўжаев (10-мактаб), М. Юсупова (167-мактаб), Ж. Насриддинова (243-мактаб) ва Г. Орипова (286-мактаб)лар тарих фанини ўқитиш услубларини ўзгартириш, сабоқлардаги бирёқламаликка, фақат рус тарихини ўқитишга тезроқ барҳам бериш, ғояларимиздаги ўзгаришларни ҳисобга олиш зарурлиги ҳақида фикр билдирдилар. Улар Ўзбекистон халқлари тарихи фанини ўқитишда ҳанузгача катта муаммо ва қийинчиликлар мавжудлиги, янги дарслик китоблари, оддий кўргазма қуроллари, ҳатто Ўзбекистон харитаси йўқлиги, умуман, тарихимизни ўрганишни ўз ҳолига ташлаб қўйганлигимиз ҳақида афсус-надомат билан гапирдилар.

Ҳ. НАЗАРОВА,
Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти тингловчиси, 111-ўрта мактаб муаллимаси.

• *Мушгарий танқид қилади*

«ХАЛҚОБОД»НИНГ ҲОЛИ ТАНГ

Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим. Ахир, шу умидлар билан бу боғ-роғларни, токзорларни яратганмидик?! Бизга бош-қош бўлган отахонимиз У. Юсуповнинг умиди шумиди?! Эй, аттанг!

Қаровсиз қолган боғлар, токзорлар ҳақида доду фарёд қилишдан аввал ўтмишга назар ташлашга тўғри келади.

Мевачилик ва узумчиликка ихтисослаштирилган «Халқобод» комбинати Янгийўл районининг Қозоғистон билан чегарадош ерларида 1962 йилда тузилиб, қатор колхозларнинг қирлик участкалари бирлаштирилганди. Ўша пайтда комбинатнинг 10500 гектар ери бор эди. Қўли гул, халқпарвар отахонимиз У. Юсупов ҳаёт пайтларида (у киши 1966 йил 7 май куни вафот этдилар) боғ ва токзорлар 7500 гектарга етганди.

1986 йилда айниқса, ишларимиз орқага кета бошлади. Комбинатимизга қарашли Тимирязев номли, Энгельс номли, Навоий номли совхозлар, 1988 йилда эса «Янгийўл» совхози ажралиб чиқиб кетди. Шундан кейин хўжалигимизда боғийғи 3200 гектар ер майдони қолди. Шундан 350 гектари токзор, 1500 гектари эса боғ. Қаровсизликдан боғлар йўқолиб боряпти. Ҳозир комбинатдаги мевазорлар минг гектарни ташкил этади, холос.

Комбинатимизда чорвачилик фермаси бор бўлиб, бу ердаги ишлар ҳам ўлдажўлда. Йилига 1200 тонна сут ишлаб чиқарилган эди, 500 тоннага тушиб қолди. Хашак ишлаб чиқариш режалари бажарилмайди. Шу кунларда Бўка ва Қуйи Чирчиқ районларидан озуқа сотиб олиб молларга едиряпмиз.

Президент Фармонига кўра 1990 йилда халққа 225 тонна хашак, 1991 йилда эса 650 тонна хашак, 800 тонна силос берилди, деб ҳисобга киритилган.

Хуллас, «Халқобод» инқирозга юз тутган. Тегишли ташкилотлардаги раҳбар ўртоқлар бу ердаги ишларни пухта ўрганиб, бизга ёрдам бермасалар бўлмайди.

Пўлат ХОЛБОЕВ,
Тошкент вилоятидаги Усмон Юсупов номли «Халқобод» комбинати бош иқтисодчиси.



Тошкентда шарқона беллашувлар — таэквандо бўйича қорабелбоғ соҳиби, халқаро федерация раиси генерал Чой Хон Хи бир неча кун меҳмон бўлди. У Пхеньянда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига ҳозирлик кўраётган курашчиларимизни юқори баҳолади.

СУРАТДА: таэквандо асосчиси генерал Чой Хон Хи спортчиларимиз машғулотида.

Суратказ Т. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА).

• *СПОРТ*

ЯХШИ НИЯТ

● **Мустақил Ўзбекистон Республикаси барча жабҳалар бўйича хорижий давлатлар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамламоқда. Хусусан, Ўзбекистон спортининг равнақи йўлида ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда.**

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси миллий олимпиада қўмитаси Президенти О. Назиров билан вице-президент С. Рўзиев Швейцарияга жўнаб кетишди. Улар халқаро олимпиада қўмитаси Президенти Х. А. Самаранч билан учрашиб, унга Ўзбекистон Республикаси миллий олимпиада қўмитасининг Халқаро олимпиада қўмитаси томонидан тан олиниб, аъзоликка қабул қилиниши ҳақидаги аризасини топширадилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси миллий олимпиада қўмитаси ташаббуси билан 2000 йилда ўтказиладиган ёзги олимпиада ўйинларини Тошкентда ташкил этиш тўғрисидаги ариза ҳам тақдим этилади. Хайрли ишлар амалга ошса, Тошкент ҳам Пекин, Берлин, Манчестер ва Истанбул шаҳарлари қатори олимпиада ўйинларини ўтказишга даъвогар бўлиб қолади.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикасининг 1-клиник шифохонаси жамоаси шифохона бош шифокорининг ўринбосари М. З. Усмоновага онаси

Зарофат

УСМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Жумҳуриятининг Иқтисод илмгоҳи жамоаси ва касаба қўмитаси уюшмаси илмгоҳининг бош илмий ходими, иқтисод фанлари доктори, профессор

Шавкат Носирович ЗОКИРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат дорилфунуни ректорати ва ўзбек филологияси факультети жамоатчилиги ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири, профессор Карим Назаровга волидалари

ФАРОҒАТ отинининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадиоэшиттириш компанияси жамоаси ташкилий-усулиёт бошқармасининг катта муҳаррири М. Расуловага онаси


Зарофат

УСМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367 500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 1 15.

№ 49

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.